

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2003 йил, 6 ноябрь, пайшанба № 134 (1866).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 6 ноября, 2003 г. № 134 (1866).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Республикаимиз мактабларининг юқори синф ўқувчиларининг неча фоизи гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилади, бундай иллатларни олдини олишнинг энг самарали чоралари қандай? Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш «Атлас» маркази Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг иштирокида ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш кафедраси, «Қалб садоси» жамғармаси билан ҳамкорликда БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси кўмагида ўтказган тадқиқот бу саволларга жавоб беради.

Рўҳиятга таъсир этувчи моддаларга ўрганиб қилишни олдини олиш муаммоси бугунги кунда бутун дунёда долзарб саналади, деги тадқиқот тақдиротида БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси дастурлар мувофиқлаштирувчиси Роберто Арбитрио, Афғонистонда гиёҳванд моддалар, асосан, Марказий Осиё мамлакатлари орқали олиб ўтилади. Бунда наркотик моддаларнинг бир қисми «транзит» давлатларда қолади. Шу боис ушбу мамлакатлар ҳукуматлари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда наркотибсиз қарши кураш ва маҳаллий аҳоли ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириши даркор. Ўзбекистонда мазкур му-

аммо давлат миқёсида ҳал этилмоқда, деб таъкидлади Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази директори Камол Дўсматов. 2002—2005 йилларга мўлжалланган мақсадли давлат дастурини амалга ошириш доирасида наркотикларнинг ноқонуний айланмаси, уларни республикаимиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб ўтишнинг олдини олиш устидан назорат кучайтирилди. Шу йилнинг биринчи ярмида 600 килограмм гиёҳванд модда йўқ қилинди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам шифокорлар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда мазкур муаммо билан жиддий шугулланмоқда.

Ёшлар ўртасида спиртли ичимликлар ва наркотикларни истеъмол қилишни рўйхатга олиш халқаро дастурининг (ЭСПАД) мослаштирилган услубига асосланган янги тадқиқот натижалари ўсмирлар ўртасида гиёҳвандликка учраганлар сони унча кўп эмаслигидан далolat беради. Тадқиқот Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва пойтахтда ўтказилди. Яширин сўровда шаҳар ўрта мактаблари 9—11-синфларнинг 5,5 минг ўқувчиси иштирок этди. Унинг натижалари шуни кўрсатдики, сўралганларнинг 3 фоизи гиёҳванд моддалар истеъмол қилган.


Тадқиқот маълумотларига кўра, барча сўралганларнинг 20 фоизи тамаки маҳсулотларини ва 25 фоизи спиртли ичимликларни баъзида ис-

теъмол қилиб туради. Сўралганларнинг чорак қисми ОИТС ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларни юқтириш хусусида нотўғри тасаввурга эга. Кўпчилиги эса касалланганда нима қилиш кераклигини яхши билмайди. Бунинг сабаблари нимада? Сўров натижаларига кўра, бу — ёшлар ота-оналарининг ижтимоий келиб чиқишига боғлиқ эмас экан. Шунга қарамай, ўз муаммоларининг ечимини наркотик моддалар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва тамаки чекишда излаётган ўсмирлар, кўпроқ, ота ёки онаси бўлмаган, фарзандлари бўш вақтини қандай ўтказётганига кам эътибор берилган оилаларда учрайди. Кўпгина ўқувчилар наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг оқибатлари ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслиги ва улар бундай маълумотларни биринчи навбатда ўз ота-оналари, ўқитувчилари, шифокорлар ва оммавий ахборот воситаларидан олишни исташи маълум бўлди.

Сўров натижалари асосида Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, маҳаллалар, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари учун мактаб ўқувчилари орасида профилактика ишларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ота-оналар, ўқитувчилар, оила шифокорлари учун махсус тренинглар ташкил этиш даркор. Туман шифоналари қошида ҳамда ноҳукумат ташкилотлар ҳузурда ўсмирлар учун маҳфий маслаҳатхоналар ва ишонч телефонлари ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!



Командир подразделения старший лейтенант Т. Жуманиязов объявил благодарность рядовому Гиясеку Ибрагимову. По результатам итоговой проверки этого анджанский парень по всем показателям был на высоте: и в классе блистал интеллектом, и на стрельбе пораил все цели, и в упражнениях на турнике, и в сдаче кросса был на передовых позициях.

Фото
Александра
МРУЧАКА.

● ЯКУНИЙ СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИ
НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАМИЗ

ХИЗМАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Яқинда бўлиб ўтган якуний синов машғулотларининг, айниқса, оддий аскар Исламжон Носиров учун аҳамияти катта бўлди. Касбий малакаси юксак, билими, дунёқараши кенг посбон эканлигини яна бир бор исботлади. Тўғри, у баҳорги синов-имтиҳонларда хар ҳолда муваффақиятли қатнашган, командирларнинг олқишига сазовор бўлган. Лекин, барибир ўз им-

кониятларидан тўлиқ фойдалана олмаган эди. Бу сарфар эса фикрини бир жойга жамлаб, қатъият билан ҳақорат қилди. Ҳарбий жамоанинг жанговар шайлик даражасига қўйилган умумий баҳо айнан ҳар бир аскарга, унинг фаоллигига боғлиқ эканлигини яхши билгани, ҳис қилгани учун ҳам умумиотуғига муносиб ҳисса қўша олди.
(Давоми 2-бетда).

ПО ЗАСЛУГАМ И ЧЕСТЬ

В аэродромно-эксплуатационном подразделении офицера Низомитдина Эшматова, как и во всех воинских частях, подведены итоги за прошедший учебный год. Выявлены победители соревнований, отмечены лучшие расчеты, экипажи и отличные воины. Среди них — старший механик-водитель рядовой Бахтияр Касымов. За отличные успехи в боевой учебе и высокую воинскую дисциплину родителям солдата от командования было направлено благодарственное

письмо. Военный автомобилист Б. Касымов прибыл в данное подразделение, имея за плечами немалый опыт вождения. Он с первых же дней проявлял старательность и трудолюбие в повышении боевого мастерства, освоении воинской специальности. Рядового Касымова, как бы авансом, зачислили на должность механика-водителя. И не ошиблись. На первом же многокилометровом марше
(Окончание на 2-й стр.).

ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Европа давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонга келди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ерниязов Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Франция давлатларининг дипломатларидан иборат делегация аъзоларини минтақадаги экологик ва-

зият ва унинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан таништирди.

Меҳмонлар Амударёнинг сув миқдори ва сифати, республиканинг келгусидаги иқтисодий ривожланиши билан қизиқди. Кейинги йилларда Амударёнинг сув сатҳи кўтарилиб, шу йилнинг етти ойи давомида Орол денгизига етти миллиард кубометр сув қуйилди. Ички кўллар хажминини сақлаб қолиш учун уч миллиард кубометр сув берилди.

Келгусида қазилма бойликларни қайта ишлашни кенг

йўлга қўйиш, жумладан, газ, нефть, гранит ва мрамор конларини очиш мўлжалланмоқда.

Меҳмонлар бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, минтақада халқаро туризмни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирди. Ҳозирда Қорақалпоғистоннинг тарихий обидалари ва Орол денгизига саёҳат қилишга қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлади.

Меҳмонлар Нукус Санъат музейини ҳам томоша қилди.
А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Вазифалар белгиланди

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси А. Абдуқадиров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи

сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури ижросини таъминлаш юзасидан ташкилотнинг тўққиз ойлик иш якуналари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар етиштириш ҳамда қақрилувчи ёшларни ар-

мия сафига тайёрлаш сифатини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватан ҳимояси ҳақидаги қоидаларини кенг тарғиб қилиш, ўсмирларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етув, жисмонан бақувват ҳимоячи этиб тайёрлаш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎЗА).

Ишонч телефони

Ҳарбий хизматга қизиқасизми, ҳарбий фаолият тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни истайсизми, ҳарбий фаолиятга оид Қонун ва Низомлар борасида саволларингиз борми, ҳарбий хизматнинг қандай турлари мавжудлигини яхшироқ билмоқчимсиз, ҳарбий бўлишининг йўл-йўриқларидан хабардор бўлишни истайсизми?

Ҳарбийлар — муддатли хизматчилар, шартнома бўйича хизмат қилаётганлар, офицерлар қандай ҳуқуқ, имтиёзларга эга? Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари қандай ижтимоий ҳимоя қилинади?

Уюшқоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ва юқорида қайд этилган масалалар юзасидан саволларингиз ва таклифларингиз бўлса ҳар кун 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қуйидаги «Ишонч телефон»ларига қўнғироқ қилишингиз мумкин:
169-82-08, 169-82-00 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси).
169-86-82 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати).

● ЕШ ОФИЦЕРЛАР — АРМИЯМИЗ КЕЛАЖАГИ ТОҒАДАН УЗАР ЖИЯН

Юртимизнинг турли гарнизонларида олий ҳарбий билим юртлирининг бу йилги битирувчилари ўзларининг офицер, қолаверса командир сифатидаги фаолиятларини боилаб юборишганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, ушбу қисқа муддат ичида ўзининг масъулиятли вазифасини сифидилдан бажаришга илк кунлариданоқ киришган ёш лейтенантлар талғига. Улардан бири Аҳаджон Аҳмедовдир. У Чирчиқ олий таълим қўмондонлик муҳандислик билим юртини муваффақиятли тамомлаган. Ҳозирда подполковник М. Ходжиев командирлик қилаётган ҳарбий қисмда гуруҳ командирини вазифасида хизмат қилмоқда.

— Йқиндагина менинг асосий вазифам астойдил ўқиш, ўз соҳам бўйича сабоқ олиш эди, — дейди лейтенант А. Аҳмедов. — Мана, ўз билимларимни ҳаётга табиқ этишни, амалиётда қўланишни бошлаб юбордим. Тўғри, ҳар қандай офицер сингари ўз устимда тинмай ишлагани, иланишни тўхтатганим йўқ. Командир бўлишнинг узун хос қийинчиликлари

билан бири шахсий таркиб билан ишлаш бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки, ҳаммага бирдек муомалада бўлиш, дунёқароши, тарбияси, билим даражаси, характери турлича бўлган йигитлар билан ишлаш осон эмас. Тўғриси, бошида сал чўчигандек бўлдим. Лекин, шахсий таркибим билан тезда тил топишиб кетдик.

Аҳаджоннинг ҳарбий соҳани танлашига ёшлиқдаги қизиқиши ҳамда полковник тоғасининг доимо такрорлайдиган гапи туртки бўлган: «Жиян албатта тоғадан ўзини керак!». Айнан шунинг учун жиян ҳам шунга яраша ҳаракат қилган, олдига қўйган мақсад сари интилган.

— Қуролли Кучларимиз 12 йиллигини, мучал тўйини офицер сифатида кутиб олаётганимдан беҳад хурсандман. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи сингари мен ҳам ушбу шодиёгани муносиб кутиб олишни ният қилиб қўйганман, — дейди ёш лейтенант.

Тўғри ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

САРАЕВНИНГ САРА ЙИГИТЛАРИ

Гуруҳ командирини лейтенант Собир Сараев мамнулик билан гап бошлади.

— Гуруҳимизнинг барча аъзолари ўқув йилини муваффақиятли якунлашди. Бирорта тайёргарликдан бирорта паст натижага эришган аъзоимиз бўлмади. Ҳаммаси «яхши» ва «аъло» бўлди.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Аббор Тўрақулов ва шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Амир Эшматовлар энг сара посбонларимиздан. Бугун ўқув йили давомида барча машғулотларда фаол иштирок этишди. Назарий билимларини пухта эгаллашгач, амалиётда қийинчиликларга дуч келишмади. Сафдошларига ўрнат

бўлишди ва бунинг устига қўлларидан келганча уларга ёрдам беришди. Гуруҳимизнинг муваффақиятида уларнинг улushi катта.

Аслида лейтенант Сараевнинг барча йигитлари ҳар қандай топшириқни тез ва соз бажаришга қодир жангчилар. Айни кунларда улар янги ўқув йилига қизгин тайёргарлик кўришяпти.

Янги ўқув йилининг муваффақияти ана шу тайёргарликка боғлиқ. Тайёргарлик жараёни қанчалик пухта бўлса, ўқув йили шунчалик самарали бўлади. Буни лейтенант Сараев ҳам, унинг посбонлари ҳам жуда яхши билишади.

Сержант А. НУРМАТОВ.

ПОМОГ ТОВАРИЦ

Рядовой Азизбек Шералиев на итоговой проверке по физической подготовке больше всего волювался за своего товарища рядового Уктама Кориева. Но его волнения были напрасными. Рядовой Кориев в числе лучших сдал трехкилометровый кросс по пересеченной местности, стометровку и подтягивание на перекладине.

— Но в этом успехе не

малая заслуга моего товарища Азизбека Шералиева, — признается воин. — Он не считаясь со своим личным временем, регулярно со мной занимался в спортгородке. И вот результаты налицо.

Воин наметил в зимнем периоде покорить новые высоты: по всем предметам обучения — получать только отличные оценки.

Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.

ЙИГИТЛАР МАЙДОНДА САФ ТОРТДИ

Вилотнинг турли туманларидан чақирилган йигитлар Навоий шаҳрининг темир йўл станциясига туташ Тинчлик кўрғонига йиғилди. Улар Ватан олдидаги шарафли бурчларини ўтамоққа отланган.

— Ҳар бир чақирилувчи жиддий кўриқдан ўтказилмоқда, — дейди вилот тиббий чақирув комиссияси катта врач Сайджон Қиличев. — Биздан сўнг улар билан вилот ҳокими ўринбосари бошчилигидаги махсус комиссия суҳбатлашади. Шундан кейингина улар ҳарбий қисмларга жўнатилади.

Бу ерга қанча йигит тўп-ланган бўлса, шунча ота-она ҳам йиғилган. Пайтдан фойдаланиб уларнинг айримларини суҳбатга тортаман.

— Конимех туманининг Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалигиданман, — дейди ўзини Умрзоқ Турниев деб таништираган киши. — Уғлим Зайниддинни ҳар-

бийга жўнатаяман. У шу йил тумандаги масб-хўнаар коллежини битирди. Уғлим келажақда офицер бўлмоқчи. Бунда унга коллежда олган билими ҳам кўл келиши тайин.

— Оиламиздаги беш фарзанднинг тўнғичиман, — дейди хатирчилик чақирилувчи Шодиёр Набиев. — Укаларимни ўқитиш, уйли-жойли қилишда ота-онамга ёрдам беришим керак. Бунинг учун бирор касб-норинг бошичи тутишим, мустақил яшашни ўрганишим зарур. Шунинг учун ҳам ҳарбийга кетяман. «Армия кўрган — тарбия кўрган», дейишадик у.

— Кузги чақирикда етти юз нафар йигитни муддатли ҳарбий хизматга жўнатамиз. — деди вилот мудофаа ишлари бошқармаси бошичи, полковник Олимжон Умарасулов. — Ҳозиргача 430 нафар йигит чегара ва ички қўшинлар сафига юборилди,

(Оқончание. Начало на 1-й стр.)

ПО ЗАСЛУГАМ И ЧЕСТЬ

командиры и сослуживцы Бахтияра убедились, что новичок хорошо подготовлен. Все операции на марше он выполнял быстро, грамотно, строго соблюдая дистанцию в колонне и инструкции по эксплуатации техники на марше. Также четко действовал по вводным «Атака с воздуха», «Внимание, зараженный участок».

А когда возникали трудности, не стеснялся обращаться к более опытным товарищам за советом. Прежде всего к начальнику расчета сержанту по контракту Абдуразаку Абдуамину, старшему водителю Бекзоду Хушназарову, опытному водителю рядовому Озоду Одилу.

Шло время. Рядовой Бахтияр Касымов завоевывал все больший авторитет у сослуживцев и командиров. В сво-

бодное от службы время его чаще всего можно было застать либо в спортгородке, либо в библиотеке, или в учебном классе за чтением специальной технической литературы. Отличался не раз и на занятиях по огневой подготовке и на общественно-политических занятиях. Наверное, не случаен и тот факт, что прошедшую итоговую проверку воин выдержал на отлично, стал высококлассным специалистом.

Вот что говорит о своем сослуживце один из опытных водителей подразделения младший сержант по контракту Кахрамон Ахмедов:

— Рядовой Бахтияр Касымов строго по уставу несет службу и в суточном наряде, за что не раз поощрялся командирами и начальни-

ками. Недавно к нам прибыл молодой воин. Теперь у Касымова появились новые заботы — он много сил уделяет обучению новичков. Недавно пришедшие на службу новички благодарны своему старшему товарищу за освоение вверенной техники.

Не остается воин в стороне и от общественных дел. Он с охотой оказывает помощь коллегам подразделения в выпуске стенной газеты.

Воин, взвесив свои реальные возможности, в новом учебном периоде намерен взять еще более высокие обязательства. И, уверен, что вновь будет стараться изо всех сил, чтобы быть в числе передовых и отличных воинов.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

ХИЗМАТ ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўзлаган мақсадига эришган, маълум бир доволни босиб ўтган кишининг дилида янги ниятлар,

нинг кўнглидаги ҳадиқ, иккиланиш катъий бир қарорга, орзуга айланди: аскар ҳарбий хизматни яна давом эттирмоқчи! Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб,

гайрат қўшмоқда, уни янги ютуқлар сари руҳлантирмоқда. Унинг катта иштиёқ билан янги ўқув йилига ҳозирлик қўраётгани, жисмоний, руҳий-маънавий томондан янада шаклланишга алоҳида эътибор берётгани ҳам шундан.



орзулар пайдо бўлади. Бу табиий бир нарсас. Худди шундай яқуний синов-имтиҳонлардан сўнг аълочи посбон Исломжон Носиров-

ҳақиқий профессионал жангчи, юртнинг муносиб ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсад бугунги кунда Исломжоннинг кучига куч, гайратига

— Оддий аскар Исломжон Носировнинг хизматидан мамнунмиз, — дейди биз билан суҳбатда зенитчилар дивизиони командир капитан Рустамжон Инамов. — У ўзининг тартиб-интизоми, интилувчанлиги, билимга чанқоқлиги билан қисқа муддат ичида сафдошлари, командирлари ҳурматини қозонди. Машғулотларда, жамоат ишларида жуда фаол. Унинг шартнома бўйича хизмат қилишга қарор қилганлигини эшитиб, хурсанд бўлдим. Ҳарбийга иштиёқи баян, лаёқатли аскаримиз профессионал жангчилар сафидан муносиб жой олишига албатта ишонаман.

Ҳа, айтганча, шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтиш зарур. Исломжон аниқ режа, мақсад асосида дадил ҳаракат қилишни, ҳар бир имкониятдан уқумли фойдаланишни, галаба қозонишни болаликдан роса машқ қилган. У шахмат бўйича мактаб ўқувчилари республика мусобақаси ғолиби. Катта лейтенант Карим Бобосовни дам олиш кунлари от суриб, мағлубиятга учраб турадиган ягона аскар ҳам шу.

Хуллас, қийинчиликларни, синовларни муносиб енгиб ўтаётган аълочи аскарнинг ҳаётда, хизматда доим ғолиб бўлишига етарли асос бор.

Майор Н. АЗИМОВ.

КУЗГИ ЧАҚИРУВ — 2003

Бугун яна 123 йигитни кузатишимиз.

Шунингдек, йигитларимиз сафарбарлик чақирув резерви хизматида ҳам жалб этилмоқда. Ҳар ойда 150

нафар чақирилувчи ҳарбий йигитида иштирок этиб, махсус дастур асосидаги машғулотларда қатнашмоқда.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

«ҚАЛҚОН БОР — ҚАЛЪА БУТ, ҚУРҒОН САЛОМАТ...»

Кузги чақирув мавсуми Қашқадарё вилотида ҳам ниҳоялаб бормоқда. Ҳарбийга отланган йигитлар Қарши шаҳридаги темир йўл вокзалдан мамлакатимизнинг турли худудларига жўнаб кетмоқда.

— Акам муддатли ҳарбий хизматни ўтаганидан сўнг, чегарачилар тайёрлаш билим юртида ўқиди, ҳозир ўз соҳаси бўйича ишлайди, — дейди Китоб туманидан чақирилган Жасур Жалолов. — Мен ҳам анамга ўхшаб ҳарбий бўлмоқчиман.

— Менинг ҳам ниятим ҳарбий бўлиш, — дейди носонлик Акмал Худоев. — Хизматни ўтагандан кейин

сержантлар тайёрлаш мактабида ўқимоқчиман.

— Фарзандинг ҳарбий хизматга чақирилганидан кейингина унинг йигит бўлиб қолганини сезармансан, — дейди қамашлик Э. Норқулов. — Уғлим Ватан ҳимоясига лойиқ топилганидан беҳад қувондим.

Ҳақиқатан, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, бақувват бўлишини, ҳарбий либос кийишига муносиблар сафида кўришни истайди. Зеро, эндиги чақирувлар танлов асосида ўтказилмоқда. Бироқ, тиббий кўриқдан ўтган айрим чақирилувчилар ҳарбий хизматга боргач, соғлиги тўғри келмай қайтиб келаётгани ҳам сир эмас.

— Шу йил баҳорги чақирувда жўнатишга қарор қилинган йигитлардан беш нафари хизматга нолийиқ топилди, ҳарбий бўлишларидан қайтариб юборилди. — дейди вилот мудофаа ишлари бошқармаси бошичи, подполковник Мўмин Мамадалиев. — Вилот чақирув пунктда замонавий тиббий усунуларнинг йўқлиги, шаҳар ва туман тиббий комиссияларида ишлайдиган баъзи ходимлар малакасининг пастлиги ана шундай хатоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли кузги чақирув мавсумида 37 миллион 600 миң сўмлик тиббий асбоблар келтирилди.

Ҳарбий соҳадаги ислохотлар, мамлакатимиз ҳафсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, Қуроли Кучлар сафига ҳар тарафлама муносиб йигитларни синчковлик билан танлаб олишни тақозо этади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ. (ЎЗА).

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

Самый старый парламент в мире — исландский. Он был создан в 930 году и назывался алтингом, что означало собрание.

Самое маленькое государство в мире — Ватикан. Его территория равняется 44 гектарам. Его еще называют «городом-государством», так как оно расположено в столице Италии — Риме. Но Ватикан совершенно независимое самостоятельное государство со своим гимном, флагом, гербом. Оно имеет свое правительство, своих министров, свои дипломатические службы. Главой этого государ-

ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО...

ства является Папа Римский.

В древности мужская и женская одежда не отличались друг от друга. Это был хенги, который представлял собой передник в виде неширокой полосы из меха, которую обертывали вокруг бедер и укрепляли на талии. Мужская и женская одежда стали различаться лишь с развитием ткачества и искусства обработки шкур животных.

Первые рубашки появились у народов, населявших

Ассирию и Вавилон. Суровые природные условия сделали появление такой одежды просто необходимым. Такая рубашка называлась канди. Ее шили из ткани или из особого тонкого войлока. Носили рубашку с поясом, поскольку ее длина доходила до бедер.

Как утверждают австралийские физиологи, у водителя, не спавшего 17-19 часов, скорость реакции уменьшается, а количество ошибок увеличивается так, словно в его крови содержится по



0,5 г алкоголя на 1 литр. Такая концентрация соответствует средней степени опьянения.

Подготовил
З. АКРАМОВ.

● ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

ЭНГ КЕКСА ҲАКАМ

Энг кекса ҳакам деб таъ олиған Буюк Британия фуқароси Жо Филистон 82 ёшида ҳакамлик қилишга киришган ва 100 ёшигача спорт ўйинларида ҳакамлик қилиб келган.

ҲОТАМТОЙ МИЛЛИАРДЕР

Америкалик миллиардер Уолтер Эшнбергер Нью-Йоркдаги «Метрополитен» музейига қиймати 1 миллиард доллар бўлган санъат асарлари тўпламини совға этишини ваъда қилган. Унинг олдида бундай қийматбахо совғани қолдириш тарихда бунга қадар учрамаган эди.

ТИНИМСИЗ ЕМҒИР

Гавайи оролларида кичик Каяу оролчасининг Вайялеале тоғларида жуда кўп ёмғир ёғар экан. Йилнинг 350 куни бу ер шивалаб ёғайтган ёмғир остида қолади.

ЗАҲАРЛИ МЕДУЗА

Австралия денгиз медуза эки қўқоқчали медуза кейинги 100 йил давомида 70 кишининг ҳаётини экин билан зудлик билан кўрсатилган тиббий ёрдамсиз унинг қўрқонлари 4 дақиқа ичида ҳаёт билан вадлашиши мумкин экан. Қўрқинчи жуда чиройли бўлган бундай жониворнинг қотиллиги қимтин ҳам ҳалига келибди, дейсиз?

З. ИСОҚОВА
тайёрлади.

ЭТО ИНТЕРЕСНО

Испанский драматург Лопе де Вега написал 1800 комедий и 400 одноактных пьес.

Известный греческий полководец Фемистокл благодаря своей уникальной памяти знал имена 20 тысяч афинских граждан, а персидский царь Кир — всех солдат своей армии.

Итальянский лингвист Менцопанти мог говорить на 58 языках.

Выдающийся физик Л. Ландау стал студентом университета в 14 лет.

5 лет было великому русскому поэту А. С. Пушкину, когда он сказал первое слово по-русски. До этого все как-то французским обходилось.

В Берлинской государственной библиотеке хранится самый большой в мире географический атлас. Размеры его 170х220 см, и выпущен он был в XVII веке. Атлас состоит из 35 настенных карт и весит 850 кг.

Первый в мире учебник арифметических задач был составлен армянским ученым-математиком VII века Давидом Непобедимым. Экземпляр этого задачника хранится в Ереванском хранилище древних рукописей.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; нимдаки шу фазилат бор экан, у гуруланса арзийди.

Мардлик билан ватаншиғизни шон-шухратга чулган!

Жасоратли юрак ҳар қандай мусибатларни ҳам чилпарчин қилади.

Нимки мард экан, у жасур ҳамдир.


Ботирлик маънавий жасоратдир.

Идрокли жасорат жасоратсиз ақдан кўра кўпроқ нафелтиради.

Довюраллик бошқа яхши фазилатларни ўсиши учун албатта зарур.

Иродали одам одатда азоб чекса ҳам болимайди; оқин эса жафо кўрмай туриб олайди.

Чинакам мардлик — кулфатда синалади.



Первым самолетом, поднявшимся в воздух, был «Флаер I» с двигателем мощностью 12 л. с., пилотируемый Орвиллом Райтом из штата Северная Каролина. Он стартовал 17 декабря 1903 года, полет продолжался 12 секунд на высоте около 3,5 метров со скоростью 55 километров в час. В этот же день состоялось еще три полета, самый продолжительный из них (за штурвалом сидел Уилбар Райт) продолжался 59 секунд, за которые самолет пролетел 260 метров.

● ИЗ ИСТОРИИ ВОЕННОЙ ТЕХНИКИ

САМОЛЁТ

Первый полет с пассажиром состоялся 14 мая 1908 года, когда Райт взял своего механика Чарльза Фарнеса в полет на самолете «Флаер III». Протяженность полета составила 600 метров, продолжительность — 23 секунды.

Первый воздушный бой произошел 3 ноября 1913 года в небе над Мехико: пилоты аэропланов Ф. Рейдер и Д. Лэмб обменялись выстрелами из револьверов (в Мехико в то время шла гражданская война).

Первым реактивным самолетом был «Хенкель-178» с турбинным двигателем доктора Ханса фон Охайна. Первый полет состоялся ранним утром 24 августа 1936 года с авиабазы Росток. За штурвалом сидел капитан Эрих Варситц. Эк-

перименты проводились втайне даже от высшего командования немецкого Министерства авиации. Впервые самолет был продемонстрирован офицером Люфтваффе только в октябре 1939 года.

Первый воздушный бой реактивных самолетов произошел 7 ноября 1950 года в небе Норвегии.

Впервые в мафиозных разборках самолет был применен 12 ноября 1926 года. В штате Иллинойс одна банда сбросила на штаб-квартиру другой три авиабомбы (по неизвестным причинам они не взорвались). Оба клана занимались контрабандой алкогольных напитков во времена действия «сухого закона».

Подготовил
М. САДИВАЛИЕВ.

ОБЛЫСЕМ И ПОГРУБЕЕМ?

Согласно предсказаниям футурологов, к 2100 году низкорослые лылые мужчины с грубыми чертами лица без намека на косметику будут считаться очень красивыми.

«Красоту человека нужно рассматривать с точки зрения науки, экологии и здравого смысла. Например, волосы на голове физиологически совершенно не нужны современному человеку. Также и краски на лице женщины не вызывают реакцию у мужчин». — считает футуролог Брэд Стейгер, автор книги «Предсказание будущего».

С ним полностью согласен и видный биолог Томас Истон. Оба ученых утверждают, что через 100 лет критерии красоты претерпят радикальные изменения. Этапом ее станет маленький рост, поскольку таким людям вужно меньше пищи и жизненного пространства, а в XXII веке будет не хватать и того, и другого. Рост мужчин и женщин будет в среднем около 150 см, причем его снижение произойдет генетическим путем. Инъекции мужчинам мужского гормона тестостерона станут обычным делом, — утверждает Истон. — Увеличение масштабов этого процесса приведет к повсеместному облысению мужчин. А крупные бицепсы у мужчин и большая грудь у женщин будут восприниматься как нечто противоестественное.

По материалам печати
подготовил Б. СЕРГЕЕВ.



Чиннини Хитойда ихтиро этишган. Хитойдаги Нау-Лин тоғи (Балад тоғ) этакларида чинни хомашесининг мўлкүл конлари бор. Соз тупроқнинг чинни тайёрлаш учун шилатиладиган энг яхши тури — «чинни тупроғи» ҳали ҳам каолин деб аталади.

Чинни тайёрлаш санъати Хитойдан Кореяга, ундан эса Японияга ўтган. Қадимги Римда ҳам чинни идишлар

ЧИННИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

тайёрланган, лекин чинни тайёрлаш сирин йўқолиб кетган.

XIII асрда венециали машхур сайёҳ Марко Поло «Кун чиқар мамлакати»га боради ва ўз юртига қайта-га, Хитойда оппоқ ва жарангли идишлар тайёрлашнинг айтиди. Европада чинни идишларни португал ва голланд денгизчи-савдогарлари Хитойдан келтириб туришар эди. Аммо улар чинни тайёрлаш сирини хитойликлардан билиб олишолмади.

Европада чинни идишлар қиммат бўлганидан фақат қирол ва князлар дастурхонидан бўлар эди.

XVIII асрда поляк қироли

Август II янги алхимия Бетгер (1682—1719) қизиқ нафийет қилади. У қарзга ботиб кетган қиролга, зарур олтинни тайёрлаб бериш учун имкон қидиради экан, ўша вақтдаги одатга кўра, ясама сочларга сепилган кукувларда каолин борлигини тасдиқлаш аниқлайди.

Ҳадемай Саксонияда санотнинг янги тури — чинни саноти майдонга келди. Саксония чиннини эло сифатли бўлгани учун, тез орада бутун Европада ёйилди. Ҳозирги вақтда чинни тайёрлаш турли мамлакатлардаги санотнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади.

А. САЛИХОВА
тайёрлади.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 4 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 АҚШ доллари 975,52
1 евро 1129,75

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олмага.

ВАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн. 27).

Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»).

КУПЛЮ

● Шв. маш., оверлог, газ. и электр. плиты, холодильник, морозильники, стир. маш. Т.: 176-02-65.

ПРОДАЮ

● Холодильники и морозильники. Т.: 90-73-29.

● Доктор Постников очищает желчный пузырь, почки от камней, песка, ферментов, билирубина, глицерола, ламб-лий, хламидий, белых пятен без химикатов и лекарств. Бештерак 21-2 (Ворожского), частный дом между винзаводом Переушко и стар. ТашМИ, с 12.00 до 14.00.

ИКЛИМ УЗГАРМОҚДА

Дунё олимлари сайёрамада иқлим узгарётганидан ташвишга тушмоқда. Улар бу жарайб тезлиб ер юзидаги ҳарорат тобора кўтарила бошлади, инсоният учун қўтиладиган ҳам ёмон оқибатга олиб келишини таъкидламоқда.

Интернет-анекдоты

Рядовой пришел на прием к врачу, который обратился ко всем больным словом «мы». — Значит, у нас болит живот, мы чувствуем себя плохо. Кроме этого, у нас кашель и температура поднимается. Ну, что мы сейчас должны сделать? — сказал врач.

БУ ТУРФА ОЛАМ АНА БУНИ ҚУЛОҚ ДЕСА БУЛАДИ!

«Гиннесснинг рекордлар китоби»га кириш оғос эмас. Лекин имкон топса бўлади. Яқинда Грузиянинг ювонурум кураши бўйича чемпиони Лаша Патарая бу ишни кулоғи билан урди.

Келин-қувлар учун синов

нинг АҚШ визасини олиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш жарайбни камидан санкиш «бузилар экан» деган АҚШнинг Ироқдаги қўлида леяртаменти ваза бермайди. Виза олиш учун

СИЧҚОНЛАР УРНИГА

Монголияда бир печа йилдан буён қўла сичқонига қарши ҳақиқий кураш кетмоқда. Лекин ҳозиргача бу кемиривуларнинг сови дедари қамайгани йўқ.

«Уноду» газетаси шу ҳафта хабар берад экан, сичқонларни қирини мақсадида ишлашга қўйилган химикатлар Хэнтэй вилоятида болалар орасида захарланган қўла-рини келтириб чиқараётгани ҳам эслатиб ўтган.

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for the week of Nov 10-16.

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for the week of Nov 10-16.

10 НОЯБРЯ

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for Nov 10.

11 НОЯБРЯ

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for Nov 11.

12 НОЯБРЯ

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for Nov 12.

13 НОЯБРЯ

Table with TV channel logos (TR3, REN TV, etc.) and program listings for Nov 13.

